INDEKS 1072


2021-10

EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

21-OKTABR – O'ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING ILMIY-NAZARIY, METODIK JURNALI



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

10.2021

научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года

Urganch – 2021

"ILM SARCHASHMALARI" ilmiy-nazariy, metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro'zimboy YO'LDOSHEV**

	TAHRIR HAY'ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN **JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI** **2021 10(172)**	**ABDULLAYEV Bahrom,** fizika-matematika fanlari doktori, **ABDULLAYEV Ikrom,** biologiya fanlari doktori, professor, **ABDULLAYEV Ilyos,** iqtisod fanlari doktori, **ABDULLAYEV Ravshanbek,** tibbiyot fanlari doktori, professor, **ABDULLAYEV O'tkir,** tarix fanlari doktori, **ANNAMURATOVA Svetlana,** pedagogika fanlari doktori, professor, **BERDIMUROTOVA Alima,** falsafa fanlari doktori, professor, **DAVLETOV Sanjarbek,** tarix fanlari doktori, **DO'SCHONOV Tangribergan,** iqtisod fanlari doktori, professor, **ERMETOVA Jamila,** filologiya fanlari nomzodi, dotsent, **HAJIYEVA Maqsuda,** falsafa fanlari doktori, **IBRAGIMOV Zafar,** fizika-matematika fanlari nomzodi, **IMOMQULOV Sevdiyor,** fizika-matematika fanlari doktori, **JUMANIYAZOV Maqsud,** texnika fanlari doktori, professor, **JUMANIYOZOV Otaboy,** filologiya fanlari nomzodi, professor, **KALANDAROV Aybek,** filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (mas'ul kotib), **NAVRUZOV Qurolboy,** fizika-matematika fanlari doktori, professor, **OLLAMOV Yarash,** yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, **OTAMURODOV Sa'dulla,** falsafa fanlari doktori, professor, **PRIMOV Azamat,** filologiya fanlari nomzodi, dotsent, **QUTLIYEV Uchqun,** fizika-matematika fanlari doktori, professor, **RO'ZIYEV Erkinboy,** pedagogika fanlari doktori, professor, **SADULLAYEV Azimboy,** fizika-matematika fanlari doktori, akademik, **SADULLAYEVA Nilufar Azimovna,** filologiya fanlari doktori, **SAGDULLAYEV Anatoliy,** tarix fanlari doktori, professor, **SALAYEV San'atbek,** iqtisod fanlari doktori, professor, **SALAYEVA Muxabbat Soburovna,** pedagogika fanlari doktori, **SATIPOV G'oipnazar,** qishloq xo'jalik fanlari doktori, professor, **XODJANIYOZOV Sardor,** pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o'rinbosari), **YOQUBOV Jamoliddin,** filologiya fanlari doktori, professor, **O'ROZBOYEV Abdulla,** filologiya fanlari doktori, **O'ROZBOYEV G'ayrat,** fizika-matematika fanlari doktori, **G'AYIPOV Dilshod,** filologiya fanlari nomzodi, dotsent.

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro'yxatdan o'tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

Жўракулова Насиба Шамуровна (Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти; e-mail: Nasibazhurakulova@gmail.com)

АҲМАД ЯССАВИЙ ИЖОДИДА ЭР ВА ЭРАН ОБРАЗИ

Аннотация. *Мазкур мақолада Яссавий ҳикматларида эр, эран – илоҳий насиба эгалари тариқат мартабасидаги валий зот сиймосида гавдаланганига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, эр ва эран халқ ҳимоячиси, фазилатли йўлбошчи, инсоният орзу қилган маърифатпарвар шахс, ўгит берувчи устоз, шайх, муршид эканлиги мисоллар ёрдамида далилланди ҳамда бу масала юзасидан тегишли илмий хулосаларга келинди.*

Аннотация. *В статье особое внимание уделяется тому, что в мудрых поучениях Яссави эр, эран – обладатели божественного наследия, воплощены в образе хранителя секты. Также на примерах было доказано, что эр и эран – защитники народа, добродетельные лидеры, просветители, о которых мечтало человечество, учители и наставники, шейхи, муршид, и по этому поводу сделаны соответствующие научные выводы.*

Annotation. *In this article, special attention is paid to the image of "er" and "eran" – posessors of divine destiny as a great person on the sect level. And er and eran were proved to be the defendors of nation, clever leader, educated persons in dreams of humanity, teacer, sheikh with the help of examples. Certain scientific conclusions were made on this issue.*

Калит сўзлар: *ориф, ошиқ, муршид, жўмард, зикр, нафс, авлиё.*

Ключевые слова: *просветитель, влюблённый, предводитель, великодушный, вспоминание, корысть, святой.*

Key words: *knowledge, lover, teacher, courage, mention, passion, saint.*

Туркий сўфиёна шеъриятнинг асосчиларидан улуғ авлиё ва сўфий Аҳмад Яссавий ижодида Эр ва Эран лафзи нафс тарбиясида энг баланд мартабага эришган зотларга нисбатан қўлланилган. "Яссавийни билиш – бу инсон ақли, қалби ва руҳи сирларини теран англаб, комиллик мақомидан огоҳ бўлиш, Яссавий адабий меросига қизиқиш – қулнинг Яратувчисига бўлган ишқини англашнинг айнан ўзи" экан,[1] шайхул машойих ҳикматларидаги ирфоний маърифат эгаси ориф ва ошиқ қулларни бирлаштирувчи ном Эрандир. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида қолу ҳол ила йўл кўрсатувчи муршид ҳам, эътиқод ва ихлос йўлда собит солик ҳам, "Фақирлигим – фахримдир" шиори ила эргашувчи фақиру дарвешлар ҳам эр ёхуд эран образида намоён бўлади. Тариқат асосчиси наздида, Ҳаққа етмоқ йўлини Эранлардек биладиган зотлар йўқ. Эр ва Эранлар комиллик йўлида жонини фидо қиладиган жўмардлар, ишқ ўтида куйиб-ёнган парвоналардир:

Эранлари ушбу йўлда жондин кечти,
Зикрин айтиб, саҳарларда багрин тешти.
Жафо тортиб, бу дунёнинг заҳрин ичти,
Ондоғ ошиқ роҳат билан етармукин?[2]

Яссавий ижодида "Айтиб ўтган Эранлардин йўлни сўрғил", "Эранларнинг йўлин сўраб юрдим мано", "Эранларнинг орқасидан ҳаргиз қолма, Йўлға кирган охир мурод топар, дўстлар" каби мисраларга жуда кўп ўринда дуч келамиз. Эранлар юрадиган қандай йўл борки, бу йўлдаги азоб-укубатлар, турли кўргуликлар ҳақида тинимсиз баҳс юритилади, такрор-такрор эслатилади. Агар бу мақсад, у манзилнинг бори-йўғи ғам-қайғу бўлса, нега ҳикмат соҳиби эранлар ортидан боришга бу қадар орзуманд?! Эътибор беринг, бир ҳикматда Эранлар йўлига шундай таъриф берилади:

Шариатда мурод улдур, йўлға кирмак,
Тариқатда мурод улдур, нафсдин кечмак,
Ҳақиқатда азиз жонни фидо қилмак,
Жондин кечмай ишқ шаробин ичса бўлмас.
Эранлари ушбу йўлда қадам урди,
Мужоҳада мунги бирлан амал қилди,

[1] Иброҳим Ҳаққулов. Ижод иқлими. Тошкент, "Фан", 2009, 115-бет.

[2] Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. Нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққулов, Н. Ҳасан. Масъул муҳаррир С.Сайфуллох. Тошкент, "Наврўз", 2018, 284-бет.

Мукошафа ботин ичра маълум бўлди,
Мундоғ бўлмай мужоҳада қилса бўлмас.[1]

Демак, эрлар тариқатда, яъни руҳий тарбия камолотида муроди ҳосил бўлган авлиёлардир. Эранлар бутун умр нафсоний истаклари билан мужоҳада олиб бориб, кашфу каромат соҳибига айланган азиз зотлар тимсолидир. Маълумки, шариат сўфийнинг сулук йўлидаги илк манзили, тўрт эшикнинг дастлабкисидир. Зеро, шаръий қонун-қоидаларни тўлиқ ўзлаштирмай, кейинги манзилга ўтишнинг иложи йўқ. Диний амр ва шариат ҳукмларини адо этмасдан, тариқат аҳли сафига қўшилиш мумкин эмас. Умуман, Яссавий ижодида тасаввуфий йўлнинг тўрт босқичи, жумладан, шариатга алоҳида таъриф берилади, шаръий ҳукмлар ҳикматларнинг қат-қатига сингиб кетган. Зеро, "тасаввуф томони устунлик қилган ҳикматларида ҳам Яссавий бир шариат арбобидир. У шариатнинг моҳияти, шакли ва ҳазрати пайғамбарнинг суннатига мутлақ зайлда тобе эрур".[2] Яссавий "Фақрнома" асарида ҳам Ҳазрат Алидан нақл қилинган сўфийликнинг қирқ мақоми ҳақида айтар экан, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат мақомларининг ҳар бирида ўнтадан даража борлигини таъкидлайди. Сўфийлар бу мақомларни эгаллаши шарт эканлиги, йўқса, комиллик даъвосидан воз кечиши кераклиги уқдирилади. Яссавий ҳикматларида эранлар тўрт босқичдаги қирқ мақомни адо этган авлиёлар, дея таърифланади.

Демак, Эрлар йўл пешволари, сир соҳиби валийлар, лоҳут оламида ҳайрат эгаларидир. Шу боис Яссавий йўл бошидаги толибга эранлар изин излаб, фоний дунё ҳавасларидан воз кечиш кераклигини, уларга хизмат қилиб, файзи футуҳ олиш саодат калити эканлигини бот-бот такрорлайди.

Маълумки, тариқатга кирмасдан нафс тарбиясини амалга ошириш мушкул. Тариқатга кирмоқ истаган мурид эса бир муршиди комилга байъат қилмоғи лозим. Иршод қилиш энг юқори даражалардан бири бўлиб, сайри сулук соҳибларига ато этилиши ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар берилган. Хожа Аҳмад Яссавий йўл кўрсатувчи раҳнамоларни "Фақрнома"да шундай таърифтавсиф қилади: "Эй толиб, агар Ҳақни талаб қилиб, топай десанг, андоғ пирга қўл бергилким, шариатда орифи биллоҳ бўлса, тариқатда комили мукаммал бўлса, маърифатда дарёйи уммон бўлса. Андоғ пирга қўл бергилким, ишинг саодат бўлгай".[3] Ҳикматларда шу сифат соҳиблари *муршид, пир, шайх* каби номлар билан бир қаторда, *Эр, Эран* лафзи билан ҳам таърифланади:

Мурид керак, қадам қўйса холисман деб,
Эрни кўруб, этак тутса мухлисман деб,
Тавба қилса, ғаийлиқдин муфлисман деб,
Шайх ул бўлур Худойини билган киши.[4]

Яссавий ижодида суҳбат мавзусига алоҳида эътибор қаратилган. Зикри само ёки илоҳий суҳбатларда ғайб эшиклари очилади, Эрларнинг ҳозир бўлиши ва бундай мажлислар ҳикмат гавҳарига айланиши шундан. Тариқатда пир билан тил ва дил суҳбатдошлиги муриднинг асосий одобларидан ҳисобланиши маълум. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг "Бизнинг тариқимиз суҳбатдир" дейишлари ҳам анжуман хосиятидан дарак беради. Суҳбат файзи пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан меросдир. У киши саҳобалар билан суҳбатдош бўлдилар ва натижада ул зотнинг қалб ҳикматларидан асҳобларнинг кўнгли файзи футуҳга тўлди. "Саҳобий ва суҳбат сўзларининг бир ўзакдан эканлиги ҳам бежиз эмас".[5] Суҳбат ҳақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: "Ва Раббингни сенга берган неъматлари ҳақида (одамларга) сўзлаб бер" (Зуҳо сураси, 11-оят).[6]

Пайғамбаримиздан кейин ҳам суҳбат барча тариқатларда, жумладан, Яссавияда ҳам давом этди. "Фақрнома"да тариқат мақомларидан бири "насиҳат тинглаш" деб номланган, ҳикматларда ҳам суҳбат хосияти энг асосий ўринга қўйилади. Суҳбат олиб борувчи эран "ҳақиқат сиридан муридга йўл" кўрсатувчи муршид эканлиги ҳикматлардан маълум:

---

[1] Шу манба. 180-бет.
[2] Абдураҳмон Гўзал. Яссавий "Фақрнома"си. Таржимон Нодирхон Ҳасан. Масъул муҳаррир И.Ҳаққул. Т., "Наврўз", 2014, 37-бет.
[3] Шу манба. 85-бет.
[4] Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. Нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққулов, Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир С. Сайфуллоҳ. Тошкент, "Наврўз", 2018, 220-бет.
[5] Сайфиддин Сайфуллоҳ. Хожагон-Нақшбандия (асослар ва рашҳалар). Масъул муҳаррир У.Алимов. Т., "Ўзбекистон", 2020, 140-бет.
[6] Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т., Тошкент Ислом университети, 2001.

Ул суҳбатда Эранлар ҳалқа ичра ўлтурур,
Кимга назар қилсалар, қулфи дили очилур.
Сен сақласанг одобни, Эранларни олдида,
Билгил, алар қошида сонсиз маъно билинур.[1]

Эранлар – назар соҳиблари. Бироқ уларнинг назарига тушиш ҳам машаққат талаб қилади. Мурид суҳбатни муҳаббат ва одоб билан тинглаши, қалби ташна ва уйғоқ бўлиши керак. Бу амалларга эга бўлмаган толиб ҳол мақомига эриша олмаслиги ҳикматларда ҳам таъкидланади:

Ҳайфи одам ўз қадрини ўзи билмас,
Манлик қилиб яхшиларни кўзга илмас.
Эранларни суҳбатидин қочиб келмас,
Ул бевафо Ҳаққа на деб вафо қилсун.[2]

"Ҳикматлар"да Эранлар зикр айтишда Закариё (а.с.) билан қиёс қилинади. Маълумки, зикр тариқатда энг муҳим амалий вазифалардан ҳисобланиб, Аллоҳ таолога тил билангина эмас, қалб ва руҳ билан мақтов, ҳамд айтишдир. Зикрнинг солик ҳолига таъсири ҳақида тасаввуфшунос Усмон Турар шундай дейди: "Зикрдан мурод қалбда Ҳақни эслаш орқали руҳни ғафлатдан қутқариш ва унга илоҳий тажаллиларни инкишоф этишига имконият туғдиришдир".[3] Ҳар бир тариқатнинг ўзига хос зикр одоби мавжуд. Яссавия тариқатида жаҳрий зикр устувор бўлиб, зикр чоғида соликнинг томоғидан арранинг саси каби овоз чиққани учун "зикри арра" деб номланган. Яссавий Эранларни зокир авлиёлар, зикр айтишда Закариё (а.с.)га тенглаша оладиган азиз зотлар, дея таърифлайди:

Ҳалқа қуруб Эранлар, Ҳу зикрини бошласа,
Ул Зикриё пайғамбар ҳозир бўлур доимо.
Ондин сўнгра Ҳақ нурин зокирларга сочарлар,
Малоиклар саф тўлуб, арра бошлар доимо.
Муҳаббат шаробини қўлга олиб Муҳаммад,
Зокирларга сунубон, соқий бўлур доимо.[4]

Зикриё (а.с)нинг тик турган ҳолда арра бошларига келган бир таҳликада ҳам зикрдан тўхтамаганликлари, сабр билан фарёд чекмасдан, жон фидо этганликлари маълум. Демак, Эранлар сирр аҳли. Нафслари покланиб, қалб, руҳ сиррига етишган тамкин ҳол соҳиблари. Бунинг сабабларидан бири шу Зикриё (а.с) каби зикрда бардавом эканликларидир.

XI асрдан бошлаб ўзбек мумтоз адабиётида Эр ва эранлик таърифига бағишланган алоҳида парчаларни учратиш мумкин бўлади. Яссавий ижодида эса эранлик хислатлари мадҳини жуда кўп ҳикматларда кузатамиз. Хусусан, 113 ва 141-ҳикматларда Эрлик мақомига эришиш учун зарур бўладиган фазилатлар тўла-тўкис баён қилинади. Эранлар нафс кийигин овлаган, ботин кўзин очиб сўзлайдиган, "лавҳ ул-маҳфуз" тахтасини кўра оладиган тоза руҳ соҳиблари эканлига айтилади:

Эранлари сўз сўзламас ҳаво бирлан,
Лавҳ ул-маҳфуз доғин сўзлар имо бирлан.
Эранларнинг нафсларидир ғизо бирлан,
Азалдаги номасини кўруб сўзлар.

Ҳикматда, эрлар изини кўзга суриш шарафига лойиқ, улар олдида Калби Каҳфдек содиқ ит бўлиш олий истаклардан эканлиги кўриниб турибди. Дунёга этак силкиб, шавқ шаробидан тотган эр йўлида жон бериш энг тўғри амаллигини таъкидлайди. Қул Хожа Аҳмад Эрликка шундай орзумандки, бу мақомга кўтарилолмасликни ор ҳисоблаб, "эр бўлмасанг, ўлгон яхши", дея ўзини маломат қилади. Унингча, инсон бўлиб туғилиб, эр бўла олмаслик қизил юзнинг қаро ерда сўлгани, кишининг тупроқ билан баробар бўлгани. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Яссавий эрлик сифатлари билан ҳар бир киши зийнатланишини орзу қилади. Ватанпарварлик, эл корига яраш, юрт фаровонлиги йўлида ҳаракат қилиш каби хислатлар эрман дея кўксига урган мардлар учун зарурий хислат эканлигини эътироф этади.

---

[1] Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. Нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққулов, Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир С. Сайфуллоҳ. Тошкент, "Наврўз", 2018, 321-бет.
[2] Шу манба. 97-бет.
[3] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Нодирхон Ҳасан таржимаси. Т., "Истиқлол", 1999, 74-бет.
[4] Хожа Аҳмад Яссавий. 321-бет.

Яссавий шеъриятида Эрлар энг баланд мақомга дохил бўлган валийлар, десак, муболаға бўлмайди. Шоир ишқ боғида наво қилаётган ошиқни ҳам, фоний дунёда ғариб эканлигини англаб етган оқил қулни ҳам, "зарра манлиги" ва "ҳавоси йўқ" фақирнию, "тобонлари нам бўлмай" дарё кечадиган, назари билан тоғларни ҳам кесадиган кашфу каромат соҳибларини ҳам Эр, Эран номлари билан атайди. Унинг фикрича, "Эр ул бўлур, охиратга минса Буроқ". Яссавий ижоди ҳақида изчил тадқиқот олиб борган Абдурахмон Гўзал Эр, Эран образлари моҳияти ҳақида шундай фикр билдиради: "Юқорида зикр этилган саккиз фақр мақоми неча юз йиллардан бери хоҳ дарвеш бўлсин, хоҳ бой, мартаба эгаси ёки қора будун бўлсин, туркий халқларнинг шу кунга қадар шону шарафини намойиш этиб келган "алп эранлар"нинг "эранлик" васфларидир. Яссавий бу сўзлар билан модда ва руҳ дунёсини бирлаштирган. Зеро, "эранлик" маънавий оламнинг, "алплик" эса моддий оламнинг нишонасидир".[1]

Яссавий ижодида Эр ва Эран образи моҳиятан эврилди, диний-илоҳий мазмун билан бойиди. "Аҳмад Яссавийдан кейинги туркий халқларнинг тарихи маънавий-ахлоқий ҳаётда янги йўналиш, янги илоҳий нуқтаи назар шаклланган, комил инсон ҳақидаги тасаввурлар тўла ойдинлашган тарих" экан, етук шахс талқини Эр ва Эран истилоҳи атрофида бирлашгани, айни ҳақиқат. Яссавий ижодида комиллик хислатлари илоҳий амрларга риоя қилиш билан белгиланади ва Яратганга қурбат ҳосил қилган чин маънодаги қуллар Эр деб аталади. Маънан қайта туғилган – бу Эр образи тариқат мактаби шоирлари шеъриятида ҳам шундай моҳиятда бўй кўрсатди.

Маълумки, эр асл туркий сўз бўлиб, образ сифатида адабиётга кириб келиши қадимги даврлардан бошланади. Бу образда туркийларга хос жасорат, ҳиммат, ҳилм, сабру қаноат каби эзгу хислатлар ўз тажассумини топган. Тасаввуф илмида ҳам Хуросон эранлари алп эранлар қаҳрамон мутасаввифлар эканлиги айтилиб, уларнинг аҳли вусул, Ҳақ дўстлари эканлиги таъкидланади. Туркийларда Эр образи тасаввуф адабиёти равнақ топишидан олдин ҳам халқ ҳимоячиси, фазилатли йўлбошчи маъноларида қўлланган. Бир сўз билан айтганда, Эр туркийлар ор-номуси, ғурури шижоатини акс эттирган тимсол бўлиб келган.

Айтиш мумкинки, тариқат шоирлари ижодида Эр ва Эранлар шариат билимдонлари, тариқат мардонлари, ҳақиқат восилларидир. Улар бу образ орқали оддий халқни ҳидоят томон бошлашни мақсад қилишган. "Эр бўлмасанг, ўлгон яхши", "Эрми бўлур эсиз умрин елга берса" каби мисраларнинг ёзилиши Одам авлодларининг комиллик томон интилишлари энг зарурий амал эканигига ишора. Зотан, бу ўткинчи дунёда иймон-эътиқодсиз умр ўтказиш туғилибоқ ўлишдир. Улуғ авлиё Аҳмад Яссавий ўз қавмининг ҳар бир кишисини эрлик сифатлари билан зийнатланишини орзу қилган, шу боис комил инсон номини халққа энг яқин бўлган эр лафзи билан атаган. Қадимги даврдан фарқли ўлароқ, бу давр шоирлари ижодида Эр, Эран образи бир киши, оддий одам маъносида, умуман, қўлланмайди. Қайси асарни кузатмайлик, Эр илоҳий насиба эгаси сифатида намоён бўлади. Яссавий ва издошлари шеъриятида Эр, Эран комили мукаммал бир муршид ҳамки, улар бу тимсол намунасида бутун миллатни маърифатга етаклай оладиган шахс сиймосини яратишган.

Демак, XI – XII асрга келиб, Эр, Эран образи тасаввуфий адабиётнинг энг ёрқин образларидан бирига айланди. Зоҳид, ғариб, ориф, фақирлардан фарқли ўлароқ, бу асл туркий сўз бўлганлиги боис ҳам образ мундарижасини яратишда миллий руҳ яққол сезилиб туради.

Абдувахабова Умида (старший преподаватель МУТ «Шелковый путь»)

ОТОБРАЖЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ СОБЫТИЙ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ГЕРБЕРТА БЕЙТСА

Annotatsiya. Ushbu maqolada muallif tomonidan uning qahramonlari hayoti misolida tasvirlangan tarixiy voqealar ramziyligi, urushdan keyingi va sanoat Angliyasidagi ijtimoiy va siyosiy o'zgarishlarning oddiy inglizlar hayotiga ta'siri ko'rib chiqilgan. Uslub va sujetning o'ziga xos xususiyatlari, shuningdek, uning asarlaridagi qishloq sharoitlari Beytsning mavzulari va uslublari ko'proq "zamonaviy" bo'lgan zamondoshlari orasida anaxronizmning vakili sifatida namoyon bo'lishiga asos bo'ldi.

Аннотация. В данной статье рассматривается символизм исторических событий, отображенных автором на примере жизни его героев, влияние социальных и политических изменений в поствоенной и индустриальной Англии на жизнь обычных англичан. Особенности стиля и сю-

[1] Абдурахмон Гўзал. Яссавий "Фақрнома"си. Таржимон Нодирхон Ҳасан. Масъул муҳаррир И.Ҳаққул. Т., "Наврўз", 2014, 28-бет.

MUNDARIJA

21-OKTABR – O‘ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

G‘ayipov Dilshod Qadambayevich. Istiqlol yillarida davlat tili borasida olib borilayotgan siyosat va yechimini kutayotgan muammolar xususida ba’zi mulohazalar.....3

IQTISODIYOT

Тошкулов Абдукодир Хамидович. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш ҳолати таҳлили.....6

FIZIKA-MATEMATIKA

Мадрахимов Рузимбай Машарипович. “Псевдонорма”. Израил Моисович Гельфанд муаммосининг ечими ҳамда сонли чизиқли алгебранинг матрица шакллангалиги билан боғлиқ марказий муаммоларидан бирининг ечими.....13
Xudoyberdiyeva Malika Karomat qizi. Qora o‘ralar atrofidagi elektromagnit maydon.....17
Turdiyev Temur Taxirovich, Ibragimov Muhiddin Fahriddan o‘g‘li, Xojibayev Jonibek Maxmudjonovich, Tillayeva Gulzoda Rashid qizi. Bo‘lakli bir jinsli bo‘lmagan g‘ovak muhitli qatlamda suyuqliklar statsionar filtratsiya masalasi matematik modeli va uni yechishning yaqinlashuvchi-analitik usuli.....22

AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Бадалов Жасур Исмаилович, Бегмуродов Мухаммаджон Нормурод ўғли. Яроқсизликлар моделлари ва микропроцессорли қурилмаларнинг техник маълумотларини таҳлил қилиш принциплари.....27
Babayazova Nazokat Pulatovna, Qodirov Alibek Hamroyevich, Davletov Rasulbek Marimbayevich, Saidova Maryam Egamberganovna. Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlash jarayonini modellashtirish.....30

TIBBIYOT

Тешаев Шухрат Жумаевич, Бабажанов Тўлқин Жуманазарович. Морфометрические параметры ободочной кишки при фиброзе легких.....34

FALSAFA

Xudaynazarov Nuraddin Shavkatovich. Hadislar diniy ilm sifatida va ularning yoshlar ma’naviyatiga ta’siri.....36
Бозоров Шухрат. Аҳмад Дониш қарашларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....38
Pulatov Jaxongir Nazirovich. Jamiyat barqarorligi – inson taraqqiyotining o‘ziga xos mexanizmi sifatida.....41
Рахмонов Сунматилло Мавлонович. Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг Марказий Осиё тариқатлари ривожида тутган ўрни.....47
Аллабоев Жахонгир Джамолидинович. Меҳнатдан бегоналашувнинг жамият тараққиётига таъсири.....50

TILSHUNOSLIK

Qurbonova Muhabbat Matyaqubovna, Xirojiddinova Muattar Mansurovna. Alisher Navoiy g‘azallarida rang bildiruvchi sifatlarning konnotatsiyasi.....53
Эхсанова Мукаддамхон Иброхимовна. Глобаллашув давридаги ўзлашма лексемаларнинг мавзу гуруҳларига доир.....56
Narzullayeva Firuza Olimovna. Konnotativ ma’noning nutqda voqelanishi.....59
Салихова Нодира Нуруллоевна. Ўзбек тилидаги ундов сўзларнинг градуал семантикаси.....62

ADABIYOTSHUNOSLIK

Жўракулова Насиба Шамуровна. Аҳмад Яссавий ижодида эр ва эран образи.....65
Абдувахабова Умида. Отображение исторических событий в произведениях Герберта Бейтса.....68
Акрамова Тахмина. Рассуждениея о сущности жизни и создания образов в поэме “Тамерлан” Эдгара Аллана По.....71

PEDAGOGIKA

Мусоева Азиза Ботировна. Чет тилларни билишнинг миллий баҳолаш тизими тестининг ўқитувчи билимини текширишдаги аҳамияти.....76
Norquziyeva Zebo Kamalovna. Kognitiv ikki tillilik kasbiy kommunikatsiya sohasida chet tili kompetensiyasini shakllantirish.....80
Yuldashov Kaxraman Kamulovich. Milliy hunarmandchilik tarixini o‘rganishning ahamiyati.....84